Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
23 НОЯБРЬ 1970 й
ДУШАНБА
№ 276 (1344).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Конференция ўз ишини тугатди

Ўзбекистон метрологларининг республика халқ хўжалигида аниқ ўлчаш масалаларига бағишланган IV республика илмий-техника конференцияси ўз ишини тугатди.

Конференция Ўзбекистон ССР стандартлаш комитети, республика илмий-техника жамияти Совети, Ўзбекистон ССР Госплани илмий техника ахборот ти ва пропаганда си институти ташаббуси билан чақирилган эди.

Уч кун давом этган конференция пайтида 25 дан ортиқ доклад тингланди. Бу докладлар халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ва бошқа масалаларга бағишланган эди. Унинг қатнашчилари республика ва Ўзбекистон пойтахтидаги турли корхоналарда метрология хизмати бўйича тўпланган тажрибалар билан ҳам ўртоқлашдилар.



«Ташхимсельмаш» заводи коллективи қишлоқ меҳнаткашлари учун ҳар хил асбоб ва деталларни кўплаб ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: корхона механика цехининг ёш пешқадам ишчиларидан мастер Носир Алимов токарь Шеркин Тўлқинов навбатдаги буюртма деталларини тайёрлаш устида ишлаётирлар.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ДЎСТЛАР СОВҒАСИ

Узоқ Шарқда Алишер Навоий номидаги совет теплоходи сузиб юрибди. Бу теплоход коллективи шаҳримиздаги Алишер Навоий номли адабиёт музейи ходимлари билан дўстлик алоқалари ўрнатганлар.

Музей коллективи бундан бир неча ой олдин Алишер Навоий номли теплоход экипажига Алишер Навоий асарлари, нишонлари ва бошқа турли совғалар юборишган эди. Теплоход капитани Ю. С. Иванов нинг хабарига кўра, буюк ўзбек мутаффакки р и н и н г асарлари теплоход кутубхонасига қўйилган бўлиб, жуда севилиб ўқилмоқда.

Теплоход аъзоларига музей коллективидан юзга яқин Алишер Навоий сурати солинган нишонлар юборилган эди. Теплоход аъзолари қаерга боришса, у ердаги дўстларига шу нишонни дўстлик рамзи сифатида тақдим этишар экан.

Бу нишонлар Куба пароходчиларига ҳам тақдим этилди.

Куни-кеча А. Навоий номидаги теплоход коллективидан музей номига совға келди. Бу совғалар орасида «Қутқарувчи балон», «Денгиз юлдузи» деб аталмиш беш юлдуз шаклидаги ажойиб ўсимликлар ҳам бор.

Келгуси йилнинг май ойида Алишер Навоий музейи коллективининг таклифига биноан Узоқ Шарқдаги А. Навоий теплоходининг бир группа аъзолари Тошкентга келишади.

** Диққат: янгилик!*

ЎТИШ ЙЎЛИ

«Ташгипротранс» лойиҳа институтининг ходимлари яна бир янги ўтиш йўлининг лойиҳа ҳужжатларини буюртмачига топширдилар. У Қорамурт кўчасида қад кўтарадиган улкан ўтиш йўли лойиҳасидир. Қурилиши келгуси йили олиб бориладиган бу ўтиш йўли кўчада транспорт ва пиёдалар ҳаракатини бир неча баравар осонлаштиради.

Шунингдек, шаҳримизнинг Куйбишев кўча сида эски кўприк ҳам бузилиб янги ўтиш йўли қурилиши мўлжалланмоқда. Янги кўприкнинг эни йигирма бир метр бўлади. Уни қуришдан мақсад темир йўл ва автомобиль ҳаракати учун қулайлик яратишдан иборат.

АЁЛЛАРНИНГ ЯНГИ ЛИБОСИ

Трикотаж фирмасининг чеварлари аёлларнинг янги моделли шерстли костюмини ўзлаштира бошладилар. Янги либосининг ёқалари ва енгларига чиройли гуллар тушнрилган. Бундай костюмларга гуллар қўшиб тикиш биринчи марта ўзлаштирилмоқда.

Чеварлар бир йилда ана шундай маҳсулотдан 50 минг сўмлик тайёрлайдилар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Энгельс кўчасидаги 70-мактаб қаршисида пардозлаш трестининг 11-қурилиш бошқармаси биноқорлари 48 квартирали бинони охирги сайқалдан чиқариб, муддатидан илгари фойдаланишга топширдилар.

Бу ишда Карим Маҳкамов, Аъзам Расулов, Анвар Газизов, Абдулла Мансуров бригадалари кундалик нормаларини 140—150 процентдан бажариб, коллектив орасида олқишларга сазовор бўлдилар.

Ҳозир бино атрофига дарахт кўчатлари экилмоқда, йўлкаларга асфальт ётқизилмоқда.


И. КАРИМОВ,
қурилиш техникуми студенти.

ВДНХ мукофоти

Республика колхоз ва совхозлар тарихини жамоатчилик асосида ўрганиш институти ташкил қилинганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, у Ўзбекистондаги хўжаликлар тарихини ўрганишда бир қатор диққатга сазовор ишларни бажармоқда.

Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ана шу институтни бир неча бор намойиш этди ва уни виставканинг «олтин медали» билан тақдирлади. Институт ташаббуси билан Ўзбекистон хўжаликларининг ветеранларидан иборат 80 дан ортиқ киши ВДНХ га меҳмон бўлиб боришди. Делегация составида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур соҳибкор Р. Мусамуҳамедов, Фарғона каналининг бошлиғи Б. Усмонхўжаев ва кекса ветеран С. Ярашев ҳам бор.

Нуроний отахонлар кўргазманинг барча павильонларини томоша қилдилар ва Москванинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.





«Узгоспроект» лойиҳа институти шаҳримизнинг Ленин кўчасида қад кўтарадиган янги кўпқаватли маъмурий бино лойиҳасини тайёрлади. Бу бино редакциялар учун мўлжалланган.

Лойиҳа авторлари Р. Блезз, Н. Горбемно, Е. Патлис ва М. Режнвскийлардир.

СУРАТДА: Бинонинг ён ва олд томонидан кўринишининг макети.

М. Нуриддинов фотолари.

** Пойтахтимиз меҳмонлари*

ҚОЗОҒИСТОН «ГУЛЛАР»И



Олмаотада икки йиллик эстрада-цирк санъати студияси очилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унга Қозоғистон ССР халқ артисткаси Гулчеҳра Галиева раҳбарлик қилмоқда. 1969 йили бу студиянинг эстрада группасини олтмиш киши, цирк группасини эса эллик киши битириб чиқди. Шундан буён ўтган бир йил ичида улар Мўғулистон Халқ Республикасида гастролда бўлдилар. «ЭКСПО-70»га бориб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Куни-кеча шаҳримизда «Гуллар» деб номланган бу эстрада ансамблининг гастроллари бошланди. Ёш талантлар ижросидаги куй, қўшиқ ва рақслар тошкентлик санъат мухлисларини хушнуд этмоқда. Коллектив программаси асосан Қозоғистон халқ куй ва қўшиқлари ҳамда замонавий эстрада номерларидан ташкил топган.

Қозоғистонлик санъаткорлар фақат шаҳримизда эмас, пойтахт область, Сирдарё ва Самарканд областлари меҳнаткашлари ҳузурида ҳам меҳмон бўладилар. Ҳозиргача улар Сариағоч курортига бориб, икки марта концерт қўйиб беришди.





СУРАТЛАРДА: қозоғистонлик санъаткорлар — К. Ахтаев, Л. Есенов ва С. Бекеновалар.

Н. МЕЛАМЕД
расмлари.

Янги ётоқхоналар

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалик механизацияси инженерлари институтига бу йил мингдан ортиқ студент қабул қилинди. Институт студентлари ҳар йили кўпайиб бораётганлиги муносабати билан, ана шунга яраша ётоқхоналар ҳам қурилмоқда.

Станиславский номли кўчада бир йўла учта ётоқхона корпуси қад кўтармоқда. 1060 студентни ўз бағрига оладиган бу биноларнинг бири фойдаланишга топширилди, иккинчиси эса, яқин орада ишга туширилади. Айни пайтда, Носиров кўчасида 250 ўринли ошхона ва 50 ўринли чойхона қурилиши бошлаб юборилди. Қурилиш ишларини 159-трестнинг 8-бошқармаси аъзоматлари олиб бормоқдалар.

ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Бугун

Сергелидан хушхабар олинди. Шаҳарчадаги «Октябрь 50 йиллиги» номли ихтисослаштирилган тикув фабрикасининг коллективи юбилей йили топшириқларини бажарди.

Чеварлар юбилей йилига белгиланган икки миллион икки юз ўн тўққиз минг сўмлик буюм реализация қилиш планини ошириб адо этдилар. Йил давомида ўн олти минг сўмликдан зиёд жун ва ип газлама ҳамда электр энергия тежалди.

Съезд олди меҳнат вахтасида турган илғор коллектив йиллик планга қўшимча уч юз беш минг сўмлик эркаклар ва болалар шимларини тайёрлашга аҳд қилди.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Пешқадам коллектив— 159-трестга қарашли 13-қурилиш бошқармаси йиллик планга қўшимча бир юз саксон минг сўмлик бош пудрат ишлари, ўз кучлари билан бир юз саксон минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Ноябрь ойининг бошидан буён, бошқарма келгуси йил ҳисобига қурилиш-монтаж ишларини бажармоқда. Ўтган ўн ой мобайнида пландаги 5,920 минг сўмлик ўрнига 6.011 минг сўмлик бош пудрат ишлари, ўз кучлари билан 2.967 минг сўм ўрнига 3.013 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Қурувчилар ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача планга қўшимча 1.950 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятини олдилар. Бошқарма коллективи йил бошидан 10000 квадрат метр уй жой биноларини фойдаланишга топширди. Бешқайроғоч массивида планга қўшимча минг ўринли мактаб фойдаланишга топширилди.

— Коллектив муваффақиятига Тўлқин Самиғов, Вакил Салихзянов ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари катта ҳисса қўшдилар,— дейди бошқарма партия ташкилотининг секретари Р. Муҳаммаджонов.— Ишда Саид Рақматов, Йўлдош Шобилолов, Аҳрор Комилов ўртоқлар бошқарган звеноларнинг коллективлари яхши натижаларга эришдилар.



Лидия Степанова трикотаж фирмасининг ишчан капрон тўқувчиси. У йил сайин меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Мана уч ойдирки, бу ёш ишчи келаси йил топшириқларини адо этмоқда.

СУРАТДА: Л. Степанова. М. Нуриддинов фотоси.

КПСС XXIV съездини муносиб кутиб оламиз!

Армуғон

Бугун

4-босмахона коллективининг беш йиллик планга қўшимча ишлаб чиқарган маҳсулоти олтмиш минг сўмга етди.

Беш йиллик марра асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича 15 сентябрда бажарилган эди. Маҳсулот реализация қилиш беш йиллик плани ошириб адо этилди.

Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги системасига ўтилганлиги коллективга катта фойда келтирди. Планда белгиланган 98 минг сўм ўрнига 105,7 минг сўм фойда кўрилди.

Босмахонанинг ҳарф териш цехи янги линотип машиналари билан бойиди.

Ишчи-хизматчиларнинг ижодий ташаббускорлиги ортиб боряпти. Қоғоз, электр энергиядан 48,7 минг сўмлик иқтисодий тежам олинди. Рационализаторлик таклифларини жорий этишдан ҳам қўпгина иқтисодий фойда кўрилмоқда.

Корхона маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилоти ишчиларнинг меҳнат ғайратини ошириш йўлида цехлараро социалистик мусобақани яхши йўлга қўйган. Октябрь ойида социалистик мусобақа ғолиби бўлган Р. Грабаровская бошлиқ муқовалаш цехи корхона кўчма Қизил байроғини олди. Шунингдек, энг яхши цехга бериладиган вимпел В. Сливкин бошлиқ матбаа цехининг коллективига топширилди.

Коммунистча с и г а меҳнат қилаётган ҳарф терувчи Л. Кузмина, матбаачилардан коммунист Р. Нодирматов, А. Ефимова, Х. Бойбеков металл кесувчи Э. Гуломов, версталчи А. Алимжонов ва бошқа илғорлар Ленин юбилейи «Шавқатли меҳнати учун» медали билан мукофотланганлар.

Коллектив, беш йиллик планга қўшимча, йил охиригача 70 минг сўмлик маҳсулот беришга аҳд қилди.

** Давр нафаси*

МЕДИЦИНАМИЗ ИСТИҚБОЛИ


«Доктор Шварц Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида доимий шифохона қуриш ҳақида кўп йиллар орзу қилди ва бу ҳақда ташкилий ишлар олиб борди. Бу иш чор ҳукумати даврида бир қатор кўнгилсиз воқеаларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлди. Эски шаҳар маҳкамасининг ҳокимлари қўлидан бирорта иш келмади. Касалхонанинг лойиҳа ҳужжатлари бир неча йиллар пайсалга солинди. Эндиликда бу лойиҳа амалга оширилмоқда... Шундай қилиб, Эски шаҳарда 150 ўринли шифохонани қуриш ишлари бошлаб юборилди.

(«Народний Университет» газетаси, 1918 йил).

Ўзбекистон пойтахтининг Октябрь райони ҳозирги пайтда энг чиройли районлардан бирига айланган. Бу ерда йирик маъмурий бинолар, илмий тадқиқот институтлари, олий ва ўрта таълим ўқув юртлари жойлашган. Айниқса, медицина муассасалари йил сайин тараққий этмоқда.

Районда тўртта катталар касалхонаси, бешта болалар касалхонаси, уч туғруқхона, бир неча диспансерлар, беш санаторий ва ниҳоят Совет Иттифоқида энг йирик ҳисобланган рентгенология, радиология ва онкология институти жойлашган. Бундан ташқари, Тошкент Давлат медицина институтининг энг улкан комплексини қуриш ҳам мўлжалланмоқда.

Райондаги мавжуд шифохоналар бир йўла ўн минг кишининг саломатлигини назорат қила олади.



Қўшма Штатлар Жанубий Шарқий Осиёда «Осиёликлар осиёликларга қарши» сиёсатини олиб боришга ҳаракат қилиб, Ҳинди-Хитойдаги агрессия учун Осиё мамлакатларидан «қўшин аксияси» сотиб олмоқда.

СУРАТДА: ҳарбий тайёргарлик. ТАСС фотохроникаси.

ҲАМКАСБЛАР ҲУЗУРИГА

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон республикаси ўртасида яхши дўстлик муносабатлари ўрнатилган. Ана шу дўстлик туфайли, икки мамлакат олимлари, санъаткорлари ўз ютуқларини бирга баҳам кўрмоқдалар.

Бугун

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика ва математика институтининг директори, академик Содиқ Азимов Ҳиндистоннинг пойтахти Деҳлига жўнаб кетди. Ўзбек олими бу мамлакатнинг Бомбей, Аҳмадобод, Калькутта шаҳарларида бўлиб, ўз ҳамкасблари билан учрашади. Бундан ташқари, ядро физикасида элементар заррачалар ва космик нурларни ўрганиш масалаларига бағишлаб илмий докладлар ўқийди. Олим ўтган йилларда Америка Қўшма Штатлари ва Швейцария мамлакатларига ҳам ана шундай сафар қилган эди.

Ўзбек олими сафар олдидан мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди.

— Дўст мамлакатга биринчи марта боришим бўлса ҳам, у ерда менинг ҳамкасб дўстларим кўп. Улардан бири Тата институтининг директори Менон, шу институт профессори Яшпалдир. Мен улар билан Москва ва Киев шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро анжуманларда танишганман. Ҳинд ҳамкасбларим мени Куюнботир тоғида жойлашган космик нурларни ўрганиш станциясига таклиф қилишган. Бу станция денгиз юзасидан 2500 метр баландликда жойлашган. Сафар давомида ҳинд олимларининг ишлари билан яқиндан танишиш ва уларга ўзбек олимлари эришган муваффақиятларни тавсиф бериш ғоятда мароқли бўлади.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

СОФИЯ. Шу кунларда Болгариядаги кўп корхоналар, хўжалик бирлашмалари ва округларнинг коллективлари беш йиллик план муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида Ватанга рапорт бермоқдалар.

Русе округи, саноатининг ходимлари беш йиллик планни муддатидан 45 кун олдин бажардилар. Улар мамлакатга ўтган беш йилдагидан 2 баравар кўп маҳсулот тайёрлаб бердилар. Старозагора округида саноат, қурилиш, транспортда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида 1966—1970 йилларга мўлжалланган кўрсаткичлардан ўзиб кетилди. Масалан, шу округда бу йил ишлаб чиқарилган электр энергияси 1962 йилда бутун мамлакатда ишлаб чиқарилган электр энергиясига баравар бўлади. Габров округи, пойтахтдаги Димитров районн ва бошқа кўп районларнинг меҳнаткашлари келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Улар ўз муваффақиятларини Болгария Коммунистик партиясининг бўлажак X съездига бағишламоқдалар.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистондаги Тамилнаду штатининг пойтахти. — Мадорасда совет бадиий китоблари виставкаси очилди. Штатнинг бош министри М. Карунаниди виставканинг очилиш маросимида сўзлаб, совет воқелиги тўғрисидаги ҳақиқатни ҳинд китобхонига етказиш ҳамда совет ва ҳинд халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни ўрнатиш ишида совет сўз санъаткорлари и н и н г асарлари жуда катта роль ўйнаяпти, деди.

(ТАСС).

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ!

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

Беш йиллик бошидан корхонамиз иши яхши йўлга қўйилди. Ойлик планлар ошириб бажариладиган бўлди. Ютуқларимиз йилдан йилга ортмоқда. Фикримизнинг исботи учун 1970 йилнинг ўтган ўн ойлик иш якунларига назар ташлайлик.

Ўн ойда беш миллион бир юз эллик беш минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планлаштирилган эди. Корхона коллективи ишни план асосида олиб бориб, ўз олдига қўйилган вазифани шараф билан бажарди. Ўн ўн ўта ишлаб чиқариш цехининг ҳар бир звеносида ленинча меҳнат вахтаси давом этди.

Ишчилар коллективи ўртасида ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун, деган шиор ўртага ташланган. Шу сабабли, белгиланган ойлик топшириқлар муваффақиятли бажарилмоқда. Натижада, ўн ойда планга қўшимча бир неча минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Ҳар бир корхона ишлаб чиқарган маҳсулотининг реализация қилинишига қараб даромад кўради. Заводда ишлаб чиқарилаётган турли хил жуда аниқ ўлчов асбобларига бўлган талаб тобора ортиб бораётганлиги учун ҳам реализация ҳажми кўпаймоқда.

Фойда ҳам шунга қараб ортмоқда. Масалан, бир миллион икки юз қирқ икки минг сўм ўрнига бир миллион икки юз олтмиш уч минг сўмлик даромад қилинди. Бу, планда белгиланганидан йигирма бир минг сўм кўпдир.


Меҳнат аҳлининг келтираётган фойдаси фақат шугина эмас. Маҳсулот таннархини камайтириш ҳам ҳар бир коллектив учун фойда манбаи ҳисобланади. Йил бошидан буён маҳсулот таннархини камайтиришдан планда белгиланганидан неча ўн минг сўм тежаб қолинди. Бунга технология процессларини такомиллаштириш, брак маҳсулот ўрнига сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, операция жараёнларини қисқартириш, қўлда бажариладиган ишларни механизациялаш туфайли эришилмоқда.

Коллектив беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятини шараф билан адо этмоқда. Биз тежамкорликка асосий эътибор беряпмиз. Кўплаб ҳар хил металлар тежаш туфайли корхонада ўтган ойлар мобайнида уч юз минг киловатт соатдан зиёд электр энергияси тежаб қолинди.

Корхонада жуда аниқ ўлчаш асбоблари тайёрланади. Шулардан бири — машинада ва қўлда ишлатиладиган метчик ёки майда тишли цилиндрсимон фрездир. Ана шу оддий бир асбобни тайёрлаш йигирма бир жараёндан ўтади. Булардан ташқари, кернер, ранда пичоғи, слесарлик бородоклари, боғбонлар ва гулчилар ишлатадиган ўнлаб асбоблар тайёрланмоқда.

Заводда тайёрланаётган ўлчаш асбоблари Ватанимиз саноат шаҳарларидан ташқари, жаҳоннинг қирқдан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Ш. МАЗИНОВ,
асбобсозлик заводи ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи.



Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг янги чуқур босма печать фабрикасида ускуналар монтаж этила бошланди. Бу ерда «Гулистон», «Саодат», «Гулхан», «Огонёк», «Здоровье» каби журналлар нашр этилади.

СУРАТДА: пешқадам ишчилардан слесарь Ш. Абдуқаюмов ва электр монтажчи В. Устинов дастгоҳларни йиғиш жараёнида.

М. Нуриддинов фотоси.

Бир киши ҳамма учун

Алишер Навоий кўчасидан борар экансиз, трамвай йўли Усмон Юсупов кўчасига бурилиб кетади. Кўз ўнгингизда ажойиб микрорайон намоён бўлади. Бу Нева соҳилларидан келган қурувчилар томонидан бунёд этилган «Марказ-13» квартали дир. Шу ернинг ўзида Горький кўчаси билан Юсупов кўчаси бирлашган жойда Тошкент экспериментал лойиҳа тузиш соҳал илмий-текшириш институтининг коллективи лойиҳаси асосида ўн қаватли меҳмонхона қурилмоқда.

Беш юз кишига мўлжалланган меҳмонхонанинг атрофига бир ва икки қаватли бинолар қурилади. У биноларда қахвахона, ресторан, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш пункти, маъмурият хоналари ва бошқа хоналар жойлашади.

Ўтган йилнинг октябрь ойида бу ерга биринчи бўлиб 11-«Высотстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг коммунист Рустам Сарваров бошчилигидаги бригадаси коллективи келган эди. Мана бир йилдан муқаддам, аҳил колектив меҳмонхона қурилишида ишламоқда. Бу ердаги ҳар бир ишчининг ўзига хос таржимаи ҳоли бор. Масалан, бригада бошлиғи Рустам Сарваровни олайлик. У ўн икки йилдан буён қурилишда ишлайди. Илгари ёрдамчи ишчи бўлса, эндиликда беш йилдирки, бригадани бошқармоқда. Ёш мутахассис бошқараётган кичик коллектив ҳамиша трестда пешқадамлардан ҳисобланади. Бу коллектив тошкентликлар учун уй-жойлар қурди, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг биноси қошида музхона станциясини барпо қилди. У объектни муддатидан бир ой олдин фойдаланишга топширишда барча имкониятлардан фойдаланди.

Бригада бошлиғи ўзининг намунали меҳнатлари учун «Тошкент бинокорига» нишони ҳамда «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан мукофотланди.

Рустам Сарваров бригадасида турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ишлашмоқда.

Эндиликда бўлажак ресторанининг деворлари тўла тикланди. Монтаж қилинди. Бошқа биноларда ҳам иш давом этмоқда. Бригада ҳар бир ишда тежамкорликка эришишни қонун қилиб олган.

Ҳозир бригада аъзолари колонналарни монтаж қилишмоқда. Биринчи қаватда эса бетон қуйиш ишлари тўла бажарилди.

Сарваров бригадасига тажрибали дурадгор Владимир Ростовцев бошқараётган коллектив ҳар бир ишда ёрдам беради. Улар бетон қуйиш учун ополубкалар, ригеллар, колонналар учун мосламалар тайёрлашади. Бундан ташқари Валерий Салмонов бригадаси каркаслар ва арматураларни бир-бирига пайванд қилишади. Бригадалар ўртасида ҳамкорлик билан иш олиб бориш, бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун шиори остида ишлаш туфайли объектда план ва топшириқлар муддатидан анча илгари бажарилмоқда. Бу бригадалар ўз зиммаларига олган топшириқни сифатли ва тежамли бажариш йўлида ҳар бир дақиқадан ва имкониятдан фойдаланишмоқда.

Ҳ. ҲАКИМОВ.

Ташвишли сигнал

ЎЗЛАРИГА ТЎҒАНОҚ БЎЛИШМОҚДА

Ҳар қандай қурилиш объектида дераза ва эшик лозим бўлади. Ҳозирги кунда бундай материаллар Тошкент қурилишларига жуда катта қийинчилик ва кечикиш билан олиб келинмоқда. Бунинг усига маҳсулотларнинг сифати ниҳоят паст.

Бу ҳолга барҳам бериш мумкин эди. Бунинг учун ўтган йили дурадгорлик буюмлари заводи ишга туширилиши мўлжалланган эди. Лекин уни қуриш кечикиб кетди. Такомиллашган станок ва жиҳозларни бу корхона учун «Чер» фирмаси ўз вақтида Швецариядан етказиб берди. Бу эса, завод юксак унумдорли бўлиши ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашни таъминларди.

Корхона қурилишининг нақадар муҳимлигини ҳисобга олиб унга алоҳида молиявий ҳизмат кўрсатилди. Исталган вақтда маблағ берилди.

1967 йилнинг кузида 159-қурилиш трести объект қурилишига зудлик билан киришиб кетди. Биринчи қаватда трест раҳбарлари қурилиш майдонларида сифатли дераза ва эшик блокларини кутаётганлигини ҳисобга олгандек кўринди. Аммо тез орада ғайрат сўнди. Иш чўзилиб кетди. Бунинг устига қурилишда брақка йўл қўйилди. Бошда бундай брак 37-қурилиш бошқармаси коллективи томонидан, кейинчалик 9-қурилиш бошқармаси қурувчилари томонидан содир бўлди. Чунки қурилиш бир ташкилотдан иккинчисига олиб берилган эди.

Буюртмачи сифатида «Узглавлеспром» қурилиш сифатини яхшилаш ҳамда нормативларга эътибор беришни талаб қилди. Аммо, пудратчилар бунга панжа орасидан қараб, ишни аввалгидек давом эттазишди. 159-трестнинг бош инженери Е. П. Кириенко бунинг оқибати нимага олиб келишини ўйламади.

Оқибатда нима бўлди? Қурилишнинг элементар қоидалари бузилди. Техникавий лойиҳа чизиқларидан оғиш пайдо бўлди. Биринчи навбатда бу ҳол томни ёпишда кўзга яққол ташланди.

1969 йил кузидаги биринчи ёмғирлардаёқ кўпгина жойдан чакка ўтиб кетди. Бино ичидаги монтаж қилиш учун келтирилган жиҳозлар занглади. Жиҳоз ва станокларни уч марта занглан тозалашга, устини ёпишга тўғри келди. Двигателлар қайтадан ғалтакка ўралди. Том устидаги мосламалар бирбиригa яхши мослашмаганлиги учун том муаллақ бўлиб қолди. Унинг ҳар ер-ҳар ерида ғалвир пайдо бўлди.

Ҳар сафар монтажчилар ўз камчиликларини тезроқ тугатиш учун ҳаракат қилишганда ҳам уни уддалай олишмади. Аммо қурувчилар ўз браклариии яхшилашга мутлақо эътибор беришмади.

Бу ҳолатни кўрган «Чер» фирмасининг мутахассислари томни қайта ўнглашни * кутмай, Тошкентдан кетиб қолишди.

Натижада нотўғри тайёрланган асбестоцемент том ёпқичлари бирбирига мосланмай қолиб кетаверди. Осма коммуникациялар шу қадар сифатсиз монтаж қилинди-ки, бу конструкциянинг авария бўлиб қолишига сабаб бўлади. Айниқса, асосий корпусдаги мосламаларнинг сифатсизлиги кишини ғазаблантиради.

Бу камчиликлар техникавий саводсизлик туфайли келиб чиқди. Айниқса, ер ости канализацияси ҳамда ёғоч қуритиш бўлимларида бундай ҳол яққол кўзга ташланади.

Цехларда кўзда тутилган асфальт пол ўрнига цемент поллар ётқизилган. Бунда ҳам сувларнинг бир томонга оқиши ҳисобга олинмаган. Айниқса, ёғочларни чириш ва металларни занглашдан сақлашга эътибор берилмаслиги, бунинг устига уларнинг устимойланмаслиги кишини ҳайратлантиради.

Ёғоч қуритиш бўлимида ҳам анча камчилик содир бўлган. У ерда лойиҳага нисбатан рамлар ҳажми анча ошиб кетган. Камералар девори лойиҳадаги М-150 ғиштн ўрнига М-75, маркали ғиштдан тикланган. Чоклар эса нормативга нисбатан анча ошиб кетган. Шунингдек, юқори иссиқликдан сақланишда камерадан фойдаланиш ҳам мутлоқ ҳисобга олинмаган.

Дурадгорлик буюмлари заводи— қурилишлар кенг қулоч ёйган, Тошкент шаҳри учун энг зарур корхона. Шуниси ҳайратланарлики, 9-қурилиш бошқармаси қурувчилари муддатни чўзиб юборганларига нисбатан «Главташкентстрой» раҳбарлари сира чора қўллашмаяпти. Ҳолбуки, йил охиригача заводни тўла фойдаланишга топшириш учун барча имконият бор. Агар шундай қилинганда қурилишлар учун зарур бўлган дераза ва эшик блоклари етарли миқдорда етказиб бериларди.

Д. ПОЛЕВОЙ.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

**АПН телетайп лентасидан*

Табиий бойликлар давлатга қайтарилди

ЛИМА. (АПН мухбири). Перу энергетика ва шахталар министрлиги Шимолий Американинг «Серро де паско корпорейшн» компаниясига қарашли баъзи концессияларнинг давлатга қайтарилиши ҳақидаги фармонни эълон қилди. Компания қонунларни бузиш ва мамлакат экономикасига катта зарар етказишда айбланади.

Перу маъмурлари бу каби чоранн биринчи марта ўтган йил октябрида «Норзерн Перу Коппер» фирма шартномаси (Шимолий Америкадаги «Американ смелтинг» концернининг филиали) бекор қилинганда қўлланган эди. Бу фирма Мичикалай районидаги бой тис конига панжасини узатганди. Бу кондаги запас салкам 570 миллион тоннани ташкил этади. Кондан фойдаланиш муддатларининг компания томонидан бажарилмаслиги ҳукуматнинг шу чорани кўришига сабаб бўлган эди.

Ҳукумат шу каби чораларни кўриш билан бир вақтда салкам 250 миллион доллар капиталга эга бўлган «Минеро Перу» деб аталган янги давлат компаниясини юзага келтирди. Бу компания илгари давлатга қарашли бўлган, шунингдек, ҳозир давлатга қайтарилаётган ерлар тагидаги бойликларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Мамлакат жамоатчилиги бу чоралар табиий бойликларни сақлаб қолиш, Перу экономикасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда ишсизликни камайтириш учун хизмат қилади деб ҳисоблаб, уни табриклямоқда.

Г. ВАЛЬКАРСЕЛЬ.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ҚУЛДОРЛАРИ

РИМ. (АПН мухбири). Яқинда Нью-Йоркдаги Миллатлар Саройида БМТ инсон ҳуқуқи комиссиясининг ташаббуси билан ҳозирги дунёда қул билан савдо қилинаётганлиги ҳақидаги масала кенг муҳокама қилинди. Кенган қатнашчиларига тақдим этилган махсус докладда планетамизда ҳали ҳам қулчиликнинг «классик» формалари мавжуд эканлиги, кишилар, айниқса, ёш хотинқизлар мол тариқасида сотилаётгани, сотиб олинаётгани, бир мамлакат чегарасидан иккинчисига ва ҳатто қитъадан қитъага яширин равишда олиб кетилаётгани қайд қилиб кўрсатилади.

...Бари полицияси (Жанубий Италия) болалар ким ошди қилиб сотиладиган бозор мавжудлигини аниқладилар. Сотиб олинган болалар қишлоқ хўжалигида энг дармонни қуритадиган ва ифлос ишларда ишлатилган.

Полицияга Микеле де Туллио деган кишининг фирмасида даҳшатли шароитда икки ўғил бола яшаётгани ва ишлаётгани маълум бўлиб қолди. Тўсатдан қилинган тинтув натижасида ҳақиқатан ҳам ундан ўн уч яшар Жованни Нуцци ва ўн бир яшар Нуцио Таолантонио деган ўғил болалар топилди. Полиция уларни оғилхонада ухлаб ётган ерларидан топиб олди.

Болалар ўзларига эрталаб соат учдан кечқурун соат саккизгача ишлашга тўғри келаётганини гапириб беришди. Уларга эрталаб ва пешинда бир парчадан нон, помидор, кечқурун бир коса шўрва беришаркан. Иккаласи ҳам саводсиз, ўз исмларини қоғозга ажи-бужи қилиб зўрга ёзишаркан.

Сўроқ қилиш вақтида Туллио бу болаларни Альтамур шаҳридаги бозорда бир йил муддатга «ижарага сотиб олгани» ҳақида камтарлик билан индамади. «Бу бизда одатдаги иш» деди фермер. Бу мудҳиш факт ҳақида Италия коммунистларининг органи «Унита» газетаси хабар қилди.

МЕҲНАТ БИЛАН КАПИТАЛ КУРАШИ

Боливия кон ишчиларининг ғалабаси

ЛА-ПАС. Боливия кон ишчилари муҳим ғалабага эришдилар. Ҳукумат келгуси йилнинг бошидан бошлаб Комибол корпорациясига кирган миллий қалай конлари шахтёрларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Баррьентос ҳукумати 1965 йилда «саноатни тиклаш» учун маблағларни тежаш баҳонаси билан меҳнаткашлар ана шу отрядининг иш ҳақини ноҳақ камайтирган эди. Ҳукумат ана шу «зарурат»ни эсдан чиқариб, Комибол амалдорларининг маошини оширган эди. Меҳнаткашлар бу тадбирларга қарши қатъий норозилик билдирдилар. Шахтёрлар декретни бекор қилиш учун қаттиқ кураш олиб бордилар. Аммо уларнинг ҳаракатлари қурол кучи билан шафқатсиз бостирилди. Ҳозирги ҳукуматгина конн ишчиларининг курашини ҳаққоний кураш деб ҳисоблади.

Венесуэладаги машина ҳайдовчилар иш ташлади

КАРАКАС. Венесуэланинг Маракайбо шаҳрида (Сулна штати) такси ва автобуслар ҳайдовчи 6500 шофернинг забастовкаси давом этмоқда. Иш ташловчилар моддий аҳвол ва меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб этмоқдалар.

Сулна штати меҳнаткашлари федерацияси иш ташловчиларни қўллаб-қувватлади ва уларнинг ҳаққоний талабларини қондиришни маъмурлардан талаб қилди.

(ТАСС).

ВДР МАКТАБЛАРИДА

ХАНОЙ. (ТАСС). Бу йил Вьетнам Демократик Республикасидаги мактабларда 4 миллион 900 минг ўқувчи, яъни ўтган йилдагига нисбатан 400 мингдан кўп бола таълим олмоқда.

Вьетнам Демократик Республикаси халқ маорифининг турли шохобчаларида ишлаётган муаллим ва ўқитувчиларнинг 367 коллективи меҳнатда катта муваффақиятларга эришганлиги учун ҳозирги кунда социалистик меҳнат коллективлари номини олишга сазовор бўлди.

Вьетнам Демократик Республикасининг маориф министрлиги яқинда педагогика билим юртларида меҳнат тарбияси масалалари юзасидан конференция ўтказди. Конференцияда таъкидлаб ўтилганидек, келгусидаги ёш ўқитувчилар маданият, фан ва техника соҳаларида чуқур билимли бўлибгина қолмай, балки меҳнат қила билишлари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда бошқариш масалаларини тушунишлари ҳам лозим.



Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатларнинг аҳолиси озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб бораётганига қарши тобора актив норозилик билдирмоқда.

СУРАТДА: Коста-Рикенинг пойтахти Сан-Хосе шаҳрида яшайдиган бир группа аёллар сутнинг нархи ошишига қарши норозилик билдирмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

ПАРИЖДА НАМОЙИШ

ПАРИЖ. (ТАСС). Ҳукумат келгуси йилнинг бошида шаҳар транспортида қатнов нархини оширмоқчи. Куни-кеча неча ўн минглаб парижликлар ёғингарчиликка қарамай, ҳукуматнинг ана шу ниятига қарши оммавий норозилик намойишида қатнашдилар. Намойиш Франциядаги учта энг йирик касаба союз бирлашмаси томонидан уюштирилди. Франция Коммунистик партияси ва бошқа бир қанча сиёсий партиялар ҳамда ташкилотлар ана шу касаба союз бирлашмаларининг бу тадбирини қўллаб-қувватладилар.

Намойишчиларнинг бир неча километрга чўзилиб кетган колоннаси Франция пойтахти марказий қисмидаги кўчалардан ўтиб, Париж опера театри биносига қараб йўл олди. Намойиш қатнашчилари ҳукуматдан шаҳар транспортига ажратиладиган маблағларни кўпайтиришни, шунингдек, шаҳар транспортида қатнов нархининг оширилишига барҳам беришни талаб қилдилар.

БАР президентининг фармони

ҚОҲИРА. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси Президентининг фармонига биноан, 11 кишидан иборат миллий Мудофаа кенгашн тузилди. Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Анвар Садат миллий Мудофаа кенгашига бошчилик қилади. Президент ўринбосарлари Ҳусайн Аш-Шафий ва Али Сабрий, Бош министр Маҳмуд Фавзий, Араб социалистик иттифоқининг бош секретари Абдил Мухсин Абу Ан-Нур, Бош министр ўринбосари ва ташқи ишлар министри Маҳмуд Риад, бош министр ўринбосари ва ички ишлар министри Шарави Гомаа, ҳарбий министр генерал Муҳаммад Фавзий шу кенгашнинг аъзоларидир.

«Ал-Аҳром» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: миллий Мудофаа кенгашининг вазифаси ҳукуматнинг сиёсий ва ҳарбий соҳалардаги тадбирларини мувофиқлаштириб олиб боришдан иборат бўлади.



ЛАОС. СУРАТЛАРДА: (чапда)—бу қизлар Самнеа вилоятининг озод этилган территориясидаги гор ичига жойлашган госпиталь лабораториясида ишламоқда. Бу госпиталда терапевтика, педиатрия, юқумли касалликлар ва туғруқхона бўлимлари мавжуд.

Америка агрессорлари Лаос ватанпарварлик фронти озод этган районларни бомбардировка қилишни давом эттирмоқда. Шунинг учун мактаб ва корхоналарнинг, госпиталь, ва муассасаларнинг катта қисми тоғлиқ горларда жойлашган.

Ўнгдаги суратда — Самнеа вилоятидаги гор ичидаги тўқув цехи.

ВИА—ТАСС фотоси.



РЕКОРДЛИ ҲОСИЛ

РАВАЛЬПИНДИ. (ТАСС). Покистон 1969/70 йилда шолидан рекордли ҳосил 14 миллион 169 минг тонна, ёки шундан аввалги йилдагига нисбатан қарийб 1 миллион тонна ортиқ шоли олди. Қишлоқ хўжалик министрлиги бу маълумотларни эълон қилди.

Покистонда кейинги беш йил ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш йилига 6 процент кўпайди.

ИККИ ЙИЛ АЛМАШТИРИЛГАН ЮРАК БИЛАН


Канаданинг Торонто шаҳри граждани Перрин Джонстон янги юрак билан яшаётганлигининг икки йиллигини нишонлади. Бу катта воқеа онлада танталн кечки овқат билан нишонланиб, бунда Джонстонларнинг дўсти, шу йил апрель ойида юраги алмаштирилган руҳоний Мадиган ҳам иштирок этди.

П. Джонстон 56 ёшда. Унинг касби инженер. Олти йил муқаддам у юраги касаллиги сабабли ишини ташлаб кетган ва вақтининг катта қисмини шифохоналарда ўтказган эди. Унга янги юрак қўйиш бўйича операцияни Торонтонинг муқаддас Михаил шифохонасидаги бир группа врачлар амалга оширишди. Яқинда Джонстон яна ишлай бошлади.

«Глоб энд мейл» газетасининг хабар беришича, ҳисоб бўйича П. Джонстон алмаштирилган юрак билан икки йиллик давомдан ошган учинчи кишидир. Иккинчиси — у ҳам канадалик — Монреал шаҳрида яшовчи 54 ёшли Дж. Паркинсондир. Унинг юраги Джонстоннинкидан икки ҳафта аввал алмаштирилганди. Учинчиси — янги юрак билан яшаётганлигининг икки йиллигини шу йил 24 августда нишонлаган америкалик Л. Расселдир.

К. ГЕЙВАНДОВ,
«Правда»дан таржима.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий



«АБАДИЙ ЯШАРМИЗ ЗАМОН ИЧРА»

Фарғона водийсининг жаннатмакон жойларидан бири — Шоҳимардонда табаррук бир мақбара бор. Шарқираб оқаётган сой бўйидан юриб борсангиз, тўппа-тўғри осмон сари бўй чўзган зиналарга дуч келасиз. Баланд зиналардан кўтариласиз-да, ана ўша мақбарага чиқасиз. Ҳамиша озода, чор-атрофи гуллар билан безанган мақбара олдида узоқ туриб қоласиз. Атрофдаги чиноқларнинг охиста шовиллаши ҳам, олисдаги Кўли қуббондан тўшаётган сойнинг бир маромда шалдираши ҳам, қаршингиздаги сервиқор тоғлардан эсиб турган шабаданинг майин-майин нафаси ҳам бир зум ўйга толдиради сизни. Табиат ўзининг гўзаллиги, муаттар нафаси билан шу ерда — баланд тоғ кўксида ётган азиз фарзандининг тинчини сақлашга аҳд этгандай туюлади. Мақбара ичига кирасиз. Қабр устидаги мармар тошга ўйиб ёзилган сўзларни ўқийсиз.

Тузамиз янги турмушни жаҳон ичра,
Абадий сўнгра яшармиз замон ичра...»

Бу Ҳамзанинг сўзлари. Янги турмушни қурган, замон ичра абадий яшашга дахлдор бўлган шоирнинг сўзлари. Уларни ўқиган ҳар бир зиёратчи яна узоқ сукутга чўмади. Янги замон учун курашган, бу курашда ғалаба қозонган ажойиб инсон ҳаётини ўйлайди. Зероки бу инсон ҳаётининг ўзи бир китоб,

Қўқонлик машҳур Ҳаким табиб 1889 йили кенжа фарзанди Ҳамза туғилганида унинг қачонлардир бутун ўлкани ларзага солувчи шоир бўлиб етишишини ўйламаган бўлса керак. Лекин Ҳамзанинг ўзигагина хос белгилари 1903 йили эски усул мактабидан воз кечиб, янгича мактабга киргани-даёқ кўзга ташланди. Бўлажак шоир дунёвий билимга ташналиги сабабли ҳам ибтидоий мактабдан дангал кетди. Отасининг тазйиқи билан мадрасага кирганида эса Навоий, Машраб, Саъдийнинг ижодини севиб ўрганди-ю, дин ақидаларидан узоқ турди. Бу туйғу унинг ўша давр шеърларидан ҳам кўриниб туради. Ёш шоирнинг 1907-1914 йил л а р д а яратган лирик шеърларида поэзиқа қалб севгиси ўзига хос майин бўёқларда жилваланади. «Бир келиб кетсун», «Бир маҳлиқо», «Жоно» каби ғазал лар бунинг далилидир.

Рус-тузем мактабида ўқиш эса шоир дунёқарашини янада ўзгартириб юборди. У халқнинг маърифатга ташна эканлигини чуқур ҳис этди. Энди у фақат билимли одамгина эмас, ўз билимини оммага ўргатишга шай маърифатпарварга айланди. 1910 йили Тошкентга келиб, Қашқар дарвоза мақалласида янгича мактаб очди.

Орадан бир йил ўтгач, Қўқонда ҳам худди шундай мактаб очиб камбағалларнинг болаларини, кечакурунлари эса катталарни ҳам ўқита бошлади. Шоир китоб ва қаламнинг мактаб ва маърифатнинг ролини ҳамиша юксак қадрлади. Матбуотда унинг публицистик мақолалари, шеърлари кўрина бошлади.

«Мен қачон мактабга келдим, ошно қилди қалам.

Бора-бора ақлу-хушимни расо қилди қалам»—деб ёзган эди шоир 1914 йилда. Қалам ва китобга ошно шоир халқнинг ҳам маърифатли бўлиши учун куйиб-ёнар эди.

Шу йилларда Ҳамзанинг «Оқ гул», «Қизил гул», «Сариқ гул», «Пушти гул», «Яшил гул», «Сафсар гул »китобларини нашр этилди. Прозаик асарлар яратди.

Мусиқадан яхши хабардор Ҳамза атрофига ҳаваскор санъатчиларни тўплаб, труппа ташкил қилди. Драматик труппа шоирнинг дастлабки саҳна асарларини халқ орасига олиб кирди. «Заҳарли ҳаёт» пьесаси булар орасида, айниқса, ажралиб турар эди. Асар ўзининг ҳаққонийлиги, замонавийлиги билан томошабин қалбини ларзага солди.

1916 йил мардикор олиш воқеалари шоир юрагини, айниқса, қаттиқ титратди. У ягона ўғлини олис, машаққатли сафарга жўнатган кекса онанинг дардини ҳам, Ватанидан узоқларда мажруҳ бўлиб қолган мардикорнинг нидосини ҳам чуқур ҳис этди.

«Оға, ҳамшаҳарларга
мотамим
Тақрор бошлатманг,
Эшитган бўлсалар
нотоблигим,
Узга маром айтинг»

деб илтижо қилади мардикорлардан бири юртига қайтаётган ватандошига.

Шоир шеърларининг ҳаққонийлиги, услуби содалиги учун ҳам, дарҳол халқ ўртасида машҳур бўлиб кетар, оддий кишилар уларни қўшиқ қилиб айтишар эди. Мардикорлик фожиаси, халқ ғазаби ўша даврда бошланиб, кейинчалик тугалланган «Лошмон фожиаси» драмасида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шоир 1917 йил февраль революциясини қувониб кутиб олди. Аммо ташкил топган «Қўқон мухторияти» эл манфаатидан узоқ эканини, реакцион кунлар халққа хиёнат қилганини тезда англади ва уларни фош этди.

«Туркистоннинг истиқболи,
Сиз хоинларга қолурми?
Қафасдан бўшаган ҳар қуш
Қайтиб ўзини солурми?»

деб хитоб қилди шоир.

Бу ўртада табиийки, Ҳамзанинг ҳаёти хавф остида қолган эди. Шунинг учун у Тошкентга келди ва ишчиларни курашга чорловчи шеърлар яратди.

Ниҳоят Октябрь қуёши балқиди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий инқилобнинг биринчи кунлариданоқ революцияни олқишлади.

Яша Шўро, яша Шўро!
Сен яшайдирган замон,
Ишчи ўғли, шуҳратингдан
Балқисин руйи жаҳон!

Шоирнинг «Берма эркингни қўлдан», «Биз ишчимиз», «Яшанг ишчи, деҳқонлар», «Хой ишчилар» каби қатор шеър ва қўшиқлари янги турмушни мадҳ этди.

Ярим асрдан буён юз минглаларча томошабин қалбини ларзага солиб келаётган «Бой ила хизматчи» драмаси ҳам ўша суронли йилларда дунёга келди. Бу социалистик реализм методида ёзилган биринчи асар, ўзбек-совет адабиётининг илк баҳор қалдирғочи эди.

1918 йили Ҳамза Фарғонада ташкил этган драма труппаси кўплаб ижодкорлар учун лабораториягина эмас, инқилоб пропагандасининг штаби ҳам бўлиб қолди. Уша йили Ҳамза труппаси махсус агитпоезд билан Закаспий фронтига жўнаб кетди. Труппа «Бой ила хизматчи», «Фарғона фожиалари», «Туҳматчилар жазоси» асарларини, Ҳамзанинг инқилобий шеърларини халққа ёйди.

Ҳамза Ҳакимзоданинг ижодий ва ташкилотчилик фаолияти ўша серташвиш йилларда, айниқса, гуллаб-яшнади. Шоир Тошкент, Хоразм, Қорақалпогистон, Фарғона, Қўқон ва бошқа ерларда бўлди. Янги ҳаёт душманларига қарши кураш, маърифат нурини ёйиш, ер-сув ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги, ободончилик, театрлар, мактаблар ташкил этиш — хуллас қай соҳада бўлмасин, Ҳамза курашнинг биринчи сафларида борди.

1929 йили революция душманлари ажойиб инсон, жўшқин шоир, моҳир драматург, композитор, тинмас курашчи Ҳамзани ваҳшийларча ўлдирадилар. У эндигина қирчилламага ёшга кирган эди.

Ҳа, у оз яшади. Аммо бутун-бутун авлодларга етгулик иш қилиб кетди.

...Атрофи гуллар ва чинорлар билан ўралган мақбарадан зиёратчилар аримайди. Булар буюк шоирнинг жўшқин шеърларини ўқиб завқланган, «Бой ила хизматчи»ни ҳар кўрганда кўзига ёш оладиган кишилар. Улар қабр тошидаги «Абадий сўнгра яшармиз, замон ичра» деган сўзларини ўқиб, хаёлга толадилар. Шоир ҳақли эди. У замонлар ичра абадий яшайди.

У. ҲАЛИЛОВ.

Яшангиз ишчи-деҳқонлар

Яшангиз ишчи, деҳқонлар, жаҳон ичра!
Бўлмасин золимлар бизнинг замон ичра!
Бузамиз эски турмушни, хурофотни,
бидъатни.

Тузамиз янги турмушни замон ичра.
Абадий сўнгра яшармиз жаҳон ичра.
Бизники дунё, ишчилар, ўқиб олсак,
Кечирган кунларни ўйлаб, кула олсак,
Сурамиз буткул зулматни жаҳолатни,
гафлатни.

Тузамиз янги турмушни замон ичра.
Абадий сўнгра яшармиз жаҳон ичра.

Биз ўқиб бу кун чиқарсак саводимиз,
Етиллар ўзликдан ҳар бир муродимиз,
Битирамиз сўнг дунёдан асоратни,
кулфатни.

Тузамиз янги турмушни замон ичра.
Абадий сўнгра яшармиз жаҳон ичра.
Биз агар ишчи-деҳқон ҳам қизил аскар
Биргалашсак, фирқамиз бўлиб раҳбар.
Тўкамиз тутдек дунёдан шаҳаншоҳлик-
сарватни.

Тузамиз янги турмушни замон ичра,
Абадий сўнгра яшармиз жаҳон ичра.

1919 йил.



Алишер Навоий номли давлат академик опера ва балет Катта театри санъаткорлари ижросидаги «Майсаранинг иши» операси доимо кўплаб томошабинларни жалб этади. Бунинг боиси операдаги майин юмор ва хурофот устидан аччиқ кулгининг мавжудлигидир.

СУРАТДА: операдан бир кўриниш.

Н. Меламед суратлари.

Шоир Хивада

Ҳамза Ҳакимзода оташин шоир, ажойиб драматурггина эмас, истеъдодли ташкилотчи, маърифат нури таратувчи инсон эди. У республикамизнинг қаерида бўлмасин, мактаблар очишга, театр-труппалари тузишга элни жалб этди. 1920—1925 йилларда Хоразм комсомол ташкилотининг раҳбарлик лавозимларида ишлади. Хоразмда совет ҳокимияти ўрнатишда актив курашган кекса коммунист Вафо Полвонниёзов шоир ҳақидаги хотираларини шундай эслайди.

1922 йилнинг ёзида ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Хивага келди. Ҳамза ҳарбий қисмларда бўлиб, маҳаллий кўнгилли отрядлар ва қизил аскарлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борди. Деҳқонлар, ёшлар ва аёлларга совет ҳокимиятининг моҳиятини жонли мисолларда тушунтирди. Хивада биринчи театр труппаси ташкил қилиниши ҳам Ҳамза Ҳакимзоданинг номи билан боғлиқ. Унгача Хива аёнлари қўчқор уриштириш, хўрозбозлик, қимор ва шу каби бемаъни ўйинларга берилган эдилар. Меҳнаткаш халқ бошқа томоша жойлари бўлмаганлиги сабабли хонликдан мерос қолган эски ўйинларини кўришга мажбур эдилар.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий театр труппаси тузар экан, томошаларни бепул кўрсатди. Шундай қилиб, у Хива халқ театри пойдеворини қурди. Эсимда: дастлабки томошаларга хотин-қизлар паранжи ёпиниб келишган эди. Шунда ҳам, улар бемалол ўтиришмасдан, бир чеккада қимтиниб, томоша кўрар эдилар. Спектаклдаги аёл ролини ўйнагудай хотин-қиз топилмай, эркаклар ижро этишган эди. Халқ театрига Ҳамза режиссёрлик ва «Инқилоб қўёши» газетаси секретари Мадраим Сайдашев суфлерлик қилди. Театр труппасини Рўзимат Юсупов, Воис Раимий, Худойберганов, Заряров, Матёқуб Девонов, Жуманиёз Калонтаров, Дўстжон ва бошқа комсомол активлар ташкил этар эди.

Хивада мактаблар очилишига ҳам Ҳамза катта ҳисса қўшган. Исфандиёрхоннинг иниси Ибодулатўра уйида ёшлар мактаби очилишининг ташаббускори Ҳамза Ҳакимзода бўлган. У мактабга дастлаб икки юз ўқувчи қабул қилиниб, унда Ҳусайн Исмоилов директор бўлиб ишлаган.

1922 йилнинг қишида Ҳамза «Средазтурхлопка» конторасп ревизия қилувчи комиссиянинг раҳбари сифатида Урганчга келди. Комиссия бу идоранинг ишидаги кўпгина нуқсон ва хатоларни очиб ташлади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Урганч милицияси аппаратини душман унсурлардан тозалаш ишида ҳам актив қатнашган. У милицияда коммунист ва комсомоллар, камбағал деҳқонлар ишлаш кераклигини таъкидлар эди. Урганчда бўлган вақтида Ҳамза шаҳар театри коллективига амалий ёрдам кўрсатди. Икки спектакль ва бир концерт программасини тузишда шахсан иштирок этиб, ёш театрга ғамхўрлик қилди: Мен ўша вақтда Хоразм комсомол ташкилотида раҳбарлик лавозимида ишлар эдим. Ҳамза ака мен билан ўн уч кун бирга бўлди. Эски ўзбекча уйда кечалари тошфонар ёруғида апламаҳалгача адабий ижод билан шуғулланганлари ҳамон эсимдан чиқмайди...



Ҳамза номидаги Ленин ордени академик драма театрида Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» асари саҳналаштирилганига кўп йиллар бўлди. Бу спектакль ҳамон муваффақият билан намойиш этиб келинаяпти.

СУРАТДА: Узбекистон ССР халқ артисти Яйра Абдуллаева Жамила ролида.

ҲАМЗА АСАРЛАРИ— КУТУБХОНА ФОНДИДА

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг қисқа ва сермазмун умрини Туркистонда революция ғалабасини мустаҳкамлашга ва халққа маърифат тарқатиш учун сарфлади.

Ҳамза Ҳакимзода ёзган шеър ва қўшиқлар Туркистон газеталари — «Улуғ Туркистон», «Иштрокиюн», «Янги Фарғона» саҳифаларида кўплаб босилиб чиққан.

Унинг ўша пайтда нашр этилган қўлёзма ва литография усулида араб графикасида босилган кўплаб асар ва тўпламлари Навоий кутубхонаси фондида сақланарди. Улар кейинчалик шарқшунослик институтига топширилган. Кутубхонамиз фондида ҳозирги вақтда Ҳамза Ҳакимзоданинг бир қанча тилларда босилган тўпламлари, танланган асарлари ва унинг ижодий фаолияти ҳақида ёзилган кўплаб мақолалар сақланмоқда. 1940 йили С. Ҳусанов томонидан нашр этилган «Ҳамза Ҳакимзода» тўплами, Ю. Султонов томонидан нашр этилган Ҳамзанинг «Танланган асарлари», «Қўшиқлари», пьесалари, Уйғун, Зулфия ва Разм Бобожон таҳрири остида Юсуф Султонов нашрга тайёрлаган «Ҳамза» номли шеърлар тўплами, Л. Қаюмов томонидан нашрга тайёрланган «Қизғулнор» сатираси ва бошқа кўпгина ўзбек ҳамда рус тилларидаги босма нашрлар шулар жумласидандир.

Бу сақланаётган қимматбаҳо асарлар революция куйчиси. Ҳамза Ҳамимзоданинг ўз халқига тақдим этган битмас-туганмас бойлигидир.

Р. ФАИЗУЛЛАЕВ,
Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг «Нодир нашрлар» фонди ходими.

Таъзим қиламан!

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таниқли бастакор ҳам эди. Бугунги кунда ўзбек совет музика маданиятига муносиб ҳисса қўшиб келаётган кўпгина композиторлар унинг шогирдларидир. Ҳамза шогирдларидан бири Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати, композитор Сулаймон ЮДАКОВДИР. Мухбиримиз С.Юдаков билан учрашиб, ўз устози ҳақида унинг фикр ва мулоҳазаларини сўради. Композитор қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Дунёда шундай ижодкорлар бўладики, улар яратган асарлар асрлар давомида халқ мулкига айланиб қолади. Уларнинг фақат асарларигина эмас, балки инсонийлик хусусиятлари ҳам ҳеч қачон муҳлислари ёдидан чиқмайди. Ана шундай улуғ зотлардан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдир.

Мен Ҳамзани яқиндан танир эдим. Зотан, менинг музика оламига кириб келишимда ҳам унинг бевосита ёрдами бўлган. Ҳамза қалбимга мансуб бўлган «Майсаранинг иши» операсига музика басталаганимнинг боиси ҳам шундадир.

Дарвоқе, мазкур опера фақат менинг ижодимдагина эмас, балки ўзбек музика маданиятида илк комик опера спектакли эканлиги билан характерлидир. Бу асарни яратишда мен Ҳамзанинг «Ҳой ишчилар» шеъри оҳангидан фойдаланганман. Демак, Ҳамза ва унинг асарлари менинг ижодимда ҳам яқин кўмакчидир.

Ҳамза асарлари бўйича ишлаган кўпгина композиторларимиз унинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Айниқса, композитор Икром Акбаров Ҳамза музика ижодининг давомчисидир. Ахир, Ҳамзанинг кўпгина инқилобий-оммавий қўшиқларини ана шу композитор қайта ишлаганлиги бизга маълумку. Шунингдек, композитор Собир Бобоев ҳам ўзининг «Ҳамза» операсида шоирнинг «Ишчилар уйғон» шеърidan бевосита фойдаланган. Бир сўз билан айтганда, Ҳамза асарлари ўзбек совет композиторлари ижодига ҳамиша илҳом бахш этиб келаётир.

Маълумки, Ҳамза фақат революцион қўшиқлар ёзибгина қолмасдан, кишиларни эстетик руҳда тарбияловчи, уларда янги социалистик тузумга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотувчи ажойиб драмалар ҳам ижод этган. «Бой ила хизматчи», «Заҳарли ҳаёт», «Холисхон» сингари драмалари фикримизнинг далилидир. Аммо биз композиторлар учун унинг бастакорлик ва қўшиқчи шоирлик фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугун бутун республикамиз жамоатчилиги, қолаверса, барча совет халқи оташин инқилобчи шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг саксон йиллик юбилейини зўр тантана билан нишонламоқда. Ана шу улуғ айём куни мен унинг яқин шогирди ва ижодининг давомчиси сифатида ўз устозимга самимий таъзим қиламан. Шу билан бирга, унинг асарлари яна асрлар давомида халқнинг маданий хазинасини бойитиб боришига ишонч билдираман.



Ҳуш келибсиз

Эй, маҳваши замоним, эй ёр, хуш келибсиз,
Биздек ғарибни йўқлаб, дилдор хуш келибсиз.
Навмид айламасдан мунглуғ фақиринғизни,
Кўнглини бир олай деб, бисёр хуш келибсиз.
Етди фалакка бошим, кўп шоду хуррам ўлдум
Маҳв ўлди барча ғамлар зинҳор, хуш
келибсиз.
Беҳадди бешумор ул қилган гуноҳларимни
Олмай кўнгилга ҳаргиз, минг бор, хуш
келибсиз.
Мен беадаб ёзардим ашъор куйганимдан,
Кўрганингизда топмай озор,хуш келибсиз.
Кўрманг илоҳи ҳаргиз камлик юзин жаҳонда,
Мақсудингизни берсун жаббор, хуш келибсиз.
Тортиқ қилай десам йўқ бир жондан ўзга
туҳфа,
Қилмай фақирлиғимдан ҳеч ор, хуш келибсиз.

1911 йил.

ЭШОННИНГ ОҒИЗ БОҒЛАШЛАРИ

Рўза тутдим нон учун,
Элга бир пардоз учун
Сўрсанг ишнинг аслини
Мулла червон оз учун.
Рўза тутдим ор учун,
Ҳар куни ифтор учун,
Чунки ҳар ифторчининг
Бир чопони бор учун.
Рўза тутдим хатм учун,
Қорига мен хасм учун,
Тушганидан хаштяк
Тортиб олмоқ расм учун.
Рўза тутдим, фитр учун,
Ҳам йиғишга ушр учун,
Бор закотин олмоққа
Камбағалга хитр учун.
Тўбан айлаб бошимни,
Оқизиб кўз ёшимни.
Хилватни саҳиҳ айлаб,
Тушда урдим ошимни.
Амри маъруф, чиллалар,
Шубҳасиз, бу ҳийлалар,
Барчасидан мақсадим
Танга, червон, тиллалар.
Гар бўлса нодон элим,
Авж олиб турғай келим,
Гўрга киргунча бошим
Ғам юкин кўрмас белим.
Рўза тутдим ош учун,
Ушбу қалам қош учун,
Рўзасини сотамен
Бирор чеким нос учун...

1927 йил.

ҚАЛАМ

Ман қачон мактабга келдим
ошно қилди қалам.
Бора-бора ақлу ҳушимни расо
қилди қалам.
Ўргатиб илму адаб, ахлоқу ҳам
фазлу рутоб,
Оро таҳрат шарм ила бир
порсо қилди қалам.
Ота-онам қилмаган ҳар
яхшилик бўлса агар,
Кўрсатиб менга ўзини раҳнамо
қилди қалам.
Ўқидим, чиқди саводим ҳам
хатим яхши бўлиб,
Гайратимга яраша ишлар
манго қилди қалам.
Ҳарна ким ёзмиш қалам
сўзидан асло чиқмадим,
Уд мани ҳам айтганим охир
бажо қилди қалам...

1914 йил.

Йиллар, фактлар, воқеалар

● Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йил 7 мартда Қўқон шаҳрида, табиб оиласида туғилди.

● 1896—1904 йилларда Ҳамза бошланғич диний мактабда ўқиди, 1905 йилдан эса мадрасага қатнай бошлади.

● 1909 йили Ҳамза мадрасадан кетди ва иш излаб Наманганга, 1910 йилда эса Тошкентга келди.

● 1911 йилда Ҳамза Қўқонда янги усулдаги мактаб ташкил қилди, у ерда ўзи дарс берди ва дарсликлар тузди.

● 1912 йилда Ҳамза рус қизига уйланди. Натижада руҳонийлар у ҳақда миш-мишлар тарқатдилар, таъқиб қила бошладилар.

● 1913 йилнинг февралида Ҳамза чет элга жўнаб кетди. У Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон, Миср, Туркияда бўлди.

● 1914 йил бошида Ҳамза Қўқонга қайтди ва бошлаган иши — халқ орасида маърифат тарқатишни давом эттирди. Аммо бу сафар ҳам мактабни тезда ёпиб қўйдилар.

● 1915 йилда Ҳамза Марғилонда янги мактаб ва ўқитувчилар тайёрлаш курслари ташкил қилди, бошланғич мактаблар учун ўқув қўлланмалари тузди. Аммо бу қўлланмаларни нашр этиш имкони бўлмади.

● 1915 йилнинг кузида Ҳамзанинг халқ куйлари оҳангига мослаб ёзилган «Миллий ашулалар» шеърлар тўплами босилиб чиқди. Шу йили у ўзининг биринчи драмаси «Заҳарли ҳаёт»ни ва «Янги саодат» романини ёзди.

● 1915—16 йилларда «Ниҳон» тахаллуси остида унинг «Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул» шеърий тўпламлари босилиб чиқди.

● Ҳамза Февраль революциясини эзилган халққа озодлик олиб келади, деб хурсанд қарши олди. Аммо юз бераётган воқеалар бу тушунчаси нотўғри эканлигини тезда исботлади. 1917 йил мартида у нашр эта бошлаган «Кенгаш» журнали вақтли ҳукумат томонидан тақиқлаб қўйилди.



ХОККЕЙГА БЎЛГАН МУҲАББАТИМ...

Машҳур хоккейчи Анатолий Фирсовнинг спорт мухлислари саволларига қайтарган жавоблари

—Биринчи бор кўнгилгизга қачон клюшкани олгансиз? Сиз қандай қилиб хоккейчи бўлиб етишдингиз?

— Конькидаги дастлабки қадамларимни жуда яхши эслайман. Ана ўшанда олти ёшда эдим ва мен болалар боғчасига қатнар эдим. Шунда ҳовлима-ҳовли, кўчама-кўча болалар билан хоккей ўйнардик. Албатта, ҳаммамиз стадионга бориб, катталар тўпли хоккейни қандай ўйнаётганликларини ҳам томоша қилар эдик.

Стадион Богородскийда жойлашган эди. Бу — Сокольникидан бироз узоқда бўлган Москва районида Лев Иванович Яшин ҳам вояга етган. Хоккейчиларнинг машғулотларига ҳам кела бошладим. Бироз ўтгач, «Красний Богатирь» заводининг болалар командаси составида ўйнай бошладим. Кейин эса мени «Спартак»ка қабул қилишди.

Шуни айтиш керакки, ўйинга меҳр-муҳаббатим жуда бошқача эди. Мисол учун, якшанба куни эрталаб «Спартак» учун ўйнасам, кундуз куни бошқа стадионда — «Красний богатирь» хоккей командаси составида мусобақада қатнашардим, сал кейинроқ эса, яна қандайдир клуб ўйинчиларн билан майдонга тушардим. Ана шундай қилиб денг, якшанба куни ҳам ўтиб кетарди.

— Сизнинг биринчи тренерингиз ким эди?

— Афсуски, ҳозир мен унинг на исмини, на фамилиясини эслайман. У «Красний богатирь» заводининг ишчиси бўлиб, ўзининг барча бўш вақтини биз болалар билан ўтказар эди.

«Спартак»да эса мени жуда омадим келди. Мен Александр Иванович Игумнов қўлига тушдим. У мени шайбали хоккей ўйнашга ўргатди.

— Ота-онангиз сизнинг хоккей билан шуғулланишингизга қандай қарашарди?

— Мен отасиз вояга етдим — у фронтда ҳалок бўлган эди. Афсуски, онамни ҳам озмунча ташвишга қўймадим. Бир куни менинг конькиларимни бекитиб ҳам қўйди. Лекин тезда онам уни қайтариб берди. Темир клюшка туфайли лабимда қолдирилган из ҳамон сақланиб турибди.

— Нега сиз «Спартак» командасидан МАСКка ўтдингиз?

— Мен Анатолий Владимирович Тарасев қўлида машғулотўтказишга жуда иштиёқманд эдим. Биргина мен эмас, балки кўплаб хоккейчилар ўшанда шуни орзу қилардилар. Бундан ташқари, ўша вақтда тажрибали тренерлар ҳам кам эди.

— Шу билан бир вақтда, «Спартак»дан кетиш анча оғир бўлди. «Спартак» командасининг ўша вақтдаги катта тренери Александр Никифорович Новокрещенов менинг сўзларимни эшитар экан, хўрсиниш билан «Нима ҳам қилардик, Толя, менинг маслаҳатим — борақол. Албатта, МАСКда сени бизда ўргаполмаган нарсаларга ҳам ўргатишади», деди.

Дастлаб, Тарасов, ҳақиқий ўйинларга мени ҳаддан ташқари кучсиз, деб айтди. Армия клубидаги дастлабки ёзги машғулотлар жуда машаққатли бўлди. Бу ерда бутун тер тўкиб меҳнат қилишга тўғри келди. Бир йил ўтгач, беш килограмм семирдим. Бу — беш килограмм мускуллар эди.

— Сизнинг энг эсингизда қолган ўйин ва энг эсда қоларли голингиз?

— Мен учун энг ёрқин, энг эсда қоладиган ўйин деб иккита матчни биламан. Буниинг биринчиси — 1967 йилги жаҳон чемпионатида Канада терма командаси билан бўлган ўйин. Мана шу учрашувда мен ўзимни энг эсда қоладиган голимни киритганман. Биз 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраётган ва канадаликларнинг тинимсиз қаршиликларини ҳеч енга олмаётган эдик. Шу пайт мен чап қанотдан шайба билан ўтиб, марказга бориша ҳаракат қилар ва дарвозага яқинлашишга интилардим. Лекин марказ бекитиб қўйилган эди. Ҳимоячилар эса мени қарама-қарши — ўнг томондаги бортга қисиб қўйишди. Шунда кучим ҳам қолмаган эди. Шу пайт, ана шу бортнинг олдидан юқорилатиб, дарвозз томонга шайбани ирғитдим. Ўзим эса тўсиқдан бошқа ўйинчини алмаштириш учун чақирардим. Эндигина оёқларимни ерга қўйган эдим. Лекин мени кимдир орқага тортарди. Шунда ҳеч нарсани тушунолмай қолдим. Менга эса «гол» бўлди деб айтишди. Маълум бўлишича, ҳалиги айтган ва отган шайба Мартин учун кутилмаган ҳолда дарвозага келиб тушибди. Шундан кейин кўпчилигимиз, жумладан, мен ҳам ана шу муваффақиятни қайтариш учун кўп уриндик. Лекин у самарасиз бўлди. Чунки, бундай воқеалар ўзи бир марта бўлади...

Иккинчи энг эсда қоладиган ўйин яқинда бўлиб ўтди. Бу Европа чемпионлари кубогининг финал ўйини эди. Шунда биз «Спартак» командаси билан учрашардик. Ана шу ўринда бизнинг командамиз ўзининг энг яхши томонларини намойиш қилиб, кетма-кет рақибларимиз дарвозасига бешта шайба киритиб галабага эришди.

— Спорт ютуқлари ичида сиз учун энг қадрлиси қайси?

— Ленин комсомолининг «Спортдаги шонли вақти учун» фахрли нишони мен учун энг қадрлидир. Мамлакатимизнинг энг яхши спортчилари ва тренерларига бериладиган бу мукофот билан мен жуда фахрланаман.

— Айтишларича, сиз хоккейдан кетмоқчи эмишсиз, шу тўғрими?

— Афтидан, бу йилги мавсум мен учун охиргиси бўлса керак.

— Матбуотда сизни «Ўйнайдиган тренер» деб юритишади. Шу ҳақда нима дея оласиз?

— Мен бир вақтнинг ўзида ўзим ҳам машғулот ўтказаман, клубимиздаги ёш хоккейчиларга ҳам ўргатаман.

—Сизнинг рафиқангиз хоккейга қандай қарайди? Қизингиз командангизнинг мағлубиятини қандай қабул қилади?

— Рафиқам Надя иши кўп бўлишига қарамай, бирорта ҳам ўйинни қолдирмайди. Қизимизга келганда эса, уни вложи борича хоккейга камроқ олиб борамиз. Чунки у жуда қаттиқ таъсирланади. МАСК ютқизганда эса, ҳатто, йиғлайди ҳам.

— СССР терма командаси яна беш йилгача чемпионлик титулини сақлаб қола оладими?

— Терма командамиз учун Старшинов, Рагулин, Кузькин, Коноваленко сингари курашларда чиниққан ўйинчилар ўйнаб экан, терма командамиз тақдиридан менинг кўнглим жойида. Бизнинг ёш хоккейчиларим и з г а келсак... Ҳаммаси уларнинг қўлида. Лекин шундан кўрқаманки, улар галабаларнинг ширин таъмига жуда ўрганиб қолишган.

Яна шуни ўйлайманки, терма командамизнинг қўлга киритган муваффақиятида унинг тренерлари Чернишев ва Тарасовларнинг катта обрўси ҳам етарли роль ўйнайди.

— Футболимизга хоккейда қўлга киритилаётган ютуқларга эришиш учун нималар етмаяпти?

— Албатта, футболда муваффақиятга эришиш анча мураккаб. Лекин ўйлайманки, футболдаги муваффақиятсизликлар и м и з шундан келиб чиқаяптики, у ўз ўйинини йўқотди, у дам бразилияликларга, дам инглизларга эргашиш йўлига ўтиб олди.

— Совет хоккейчиларининг Канаданинг профессионал клублари билан учрашуви бўладими?

— Ўйламанки, яқин келгусида профессионалларнинг ўзи биз билан ўйнаш истагини билдиришади.

— Сиз нима сабабдан донмо 11 рақам билан ўйнайсиз. Унинг сири нимада?

— Спартак» мастерлар командасига келганимда, худди шу номер менга насиб этганди. Кейин Армия клубига ўтдим. Шунда кўйлакларни бўлаша-ётганларида «Ўн биринчи номер бўлсам майлими?». деб сўрадим. Бунга ҳеч ким эътироз билдирмади. Ана шундан бери, ўн биринчи номерда ўйнайман.

— Дўстларингиз ва тренерлар, агар сиз ҳақиқий голни киритмаганингизда, уришишадими?

— Ҳеч қачон уришишмайди ва таъна қилишмайди. Лекин агар мен ўзим урадиган голни урмасдан бошқаларга берсам, бу ҳолда улар менга таъна қилишади.

— Қайси футбол командасига ишқибозсиз?

— Менга Тбилиси динамочиларининг ўйини жуда ёқади.

— Сизнинг ўринингизга қолдирадиган вориснигиз борми?

— Ҳа, бор. Менинг ўрнимда ё Юрий Блинов ёки Александр Смолин ўйнайди.

— Сиз учун энг қийин ҳимоячи ким?

—Мен учун энг қийин ҳимоячи Николай Сологубовдир.

—Сиз учун энг «ноқулай» дарвозабон ким?

— Бундан уч йил муқаддам менга машҳур Плантга қарши ўйнашга тўғри келди. Унинг маҳорати афтидан табиийдан ҳам юксакдир. У жуда кўп марта дарвозасини ташлаб чиқиб, учинчи ҳимоячи сифатида ўйнади. Унга гол урниш жуда қийин. Гўё, менимча, у ҳамма нарсани олдиндан билади. Мени нима қилишимни, қайси бурчакка шайбани ташлашимни жуда яхши билади.

— Кейинги ўн йил ичида, Сизнингча, жаҳондаги энг яхши дарвозабон, ҳимоячи ва ҳужумчи ким?

— Коноваленко, Сологубов, Тумба. Профессионал хоккейчилар бунга кирмайди.

— Хоккейни нима сабабдан яхши кўрасиз?

Келгусида хоккей қандай бўлади деган тасаввурдасиз?

— Хоккейни гўзаллиги учун севаман. Келгусидаги хоккей яна ҳам тез, «ақлли» бўлади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Яқинда «Комсомольская правда» газетасида машҳур хоккейчи, СССР да хизмат кўрсатган спорт, мастери, жаҳоннинг бир неча марта чемпиони Анатолий Фирсовнинг хоккей мухлислари саволларига қайтарган жавоблари босилди. Бугун биз ана шу савол-жавобни бироз қисқартирган ҳолда ҳурматли оқшомхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

● *Текинхўрлик, безорилик ва ичкиликбозликка шафқат йўқ!*

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Майда безорилиги учун жазоланганлар

Слотецкий М. И. 1941 йилда туғилган. Республика автомобиль транспорти министрлигига қарашли 2505-автоколонна шофери. Уз уйида маст ҳолида жанжал кўтарганлиги учун 15 суткага ҳукм қилинди.

Дворак В. П. 1946 йилда туғилган. «Ташмосстрой» трестининг қурилиш бошқармаси бўёқчиси. Маст ҳолида «Москва» қаҳвахонасида жанжал кўтарганлиги учун 15 суткага жазоланди.

Ҳушёрхонада тунаганлар

Эшонхонов А. 1927 йилда туғилган. Урта Осиё темир йўл бошқармаси Тошкент пассажир станцияси 2-вагон депосининг проводниги.

Грицаев И. В. 1940 йилда туғилган. Республика энергетика ва электрлаштириш министрлигининг ихтисослаштирилган ремонт ишлаб чиқариш корхонаси слесари.

✱ СУД ЗАЛИДАН

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАН

«Ташсельмаш» заводининг слесарь йиғувчиси Гаврил Александрович Костеркин илгари тушпа-тузук ишчи эди. Бироқ у ичкилик ичадиган бўлиб қолди.

Яхши одамлар йиғитни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилишиб, бир неча бор насиҳат қилишди.

Лекин Гаврил танбеҳлардан тегишли хулоса чиқармасдан «ичсам ўз пулимга ичаманда» деб «кайфини» суриб, безорилик қилиб юраверди. Бир куни, ичиб олган Костеркин шу завод ишчиси А. Офицеровни бекордан бекорга уриб жароҳатлади.

У безорилиги, ярамас қилиқлари учун қора курсига ўтирди.

Г. Костеркин уч йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

П. ҚОДИРОВ.
Ҳамза район халқ судининг секретари.



ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/XI да **Анда**, 26/XI да **Севги тумори**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XI да **Бой ила хизматчи**, 25/XI да **Мария Стюарт**, 26/XI да **Олтинчи июль**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/XI да **Қайнона**, 25/XI да **Менинг жаннатим** (билетлар сотилган). 26/XI да **Менинг жаннатим**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ЯНГИ УЧРАШУВЛАР»**. **Ешлар коллективи артистларининг гастроллари**.

Кино

24 НОЯБРДА

Чайковский (2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6 да), «ЧАЙКА» (кеч соат 8.45 минутда).

Йўлбарс изидан — «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва кеч 8.45 минутда).

Соҳибжамол малагим (2 серия) — «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Гул ва тош (2-серия) — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқуруи).

Бу телба дунё — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Спартак — «МОСКВА» (кундуз соат 4 да).

25 НОЯБРДА

Чайковский (2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6 да), «ЧАЙКА» (кеч соат 8.45 минутда).

Йўлбарс изидан — «ЧАЙКА» «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва кеч 8.45 минутда).

Соҳибжамол малагим (2-серия) — «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Гул ва тош (2-серия) — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқуруи).

Бу телба дунё — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Спартак — «МОСКВА» (кундуз соат 4 да).

БИЛИМ УЙИДА
24 ноябрь кеч соат 7 да
ИҚТИСОДЧИЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА ЎТКАЗИЛАДИ

Кечада Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иқтисод институти ходимларининг чиқиши.

СССР ички ишлар министрлиги Тошкент шаҳар бўлими халқ ансамблининг концерти.

Ансамблнинг бадиий раҳбари Икромжон БЎРОНОВ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
24, 25 НОЯБРДА
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДАСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА, МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ**;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **Камтар ОТАБОЕВ, Маҳмуд МУҲАМЕДОВ, Ғофур АЗИМОВ, Сайфиддин ЙЎЛДОШЕВ, Вилоят ОҚИЛОВА**;

VI Жаҳон фестивалининг лауреати **Анвар РУСТАМОВ**;

Солистлар: **Адижон ҲАСАНОВ, Гулшод ОТАБОЕВА, Хадича АЛИ, МАРДОНОВА** ва бошқалар.

Программани Назрулла ЭҚУБОВ олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

---

3 декабрь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг геология-минералогия факультетида геология-минералогия фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, Тош ДУ, «Б» — секторн, 224-аудитория)да геология-минералогия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Х. Джулиев; «Ҳисор тоғлари жанубий-ғарбий этакларидаги бўр даврида денгиз ва қуруқликда вужудга келган формацияларининг гил минераллари ва уларнинг фациал хусусиятлари» деган темада;

В. А. Бикадоров: «Қизилқумнинг палеоген даври ётқизиқлари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан университет илмий кутубхонаси (Университет кўчаси, 4-уй)да танишиш мумкин.

---

3 декабрь кундуз соат 2 да Тошкент политехника институти геология-қидирув ва тоғ-металлургия факультетларининг совет кенгаши (Гоголь кўчаси, 68-уй) да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Ю. М. Скорияков; «Кичик диаметрли шарошкали ясканаларнинг яшлашини ва улар билан геологик қидириш қудуқларини пармалаш технологиясини текшириш» деган темада.

Геология-минералогия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Л. А. Аҳмаджонова; «Чақилкалон тоғларининг жанубий Тянь-Шань) гранитоид массивларини петролого-геохимик хусусиятлари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13-уй) да танишиш мумкин.

ШАҲАР ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ ПАРРАНДА ЭГАЛАРИГА

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ ҚИЛИНАДИГАН ЭМЛАШ УЧУН АРИЗА ВЕРИШЛАРИ ВА ҚУШЛАРНИ ТЕРРИТОРИАЛЬ ВЕТЕРИНАРИЯ ДАВОЛАШ ХОНАЛАРИГА ОЛИБ БОРИШЛАР ШАРТЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

АДРЕСЛАР:

Фрунзе райони — Г. Лопатин кўчаси, 10-уй, телефон № 33-24-01;

Чилонзор райони — Чигатой кўчаси, 29-уй, телефон № 44-35-04;

Киров райони — Обсерватория кўчаси, 27-уй, телефон № 33-35-13;

Ленин райони — Ипподром кўчаси, 184-уй, телефон № 91-65-36;

Октябрь райони — Уйғур кўчаси (17 трамвайнинг «Беш қайрағоч» бекати);

Куйбишев райони — Луначарский шоссеси, 326-уй;

Сергели райони — район соғлиқни сақлаш бўлими телефон № 55-67-34;

Ҳамза райони — Куйбишев шоссеси, 357-уй;


Қушларни ветеринар ишлатишдан бош тортган шахслар Ветеринария қонунига биноан жавобгарликка тортиладилар.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИ
(Пушкин ва 1-Май кўчалари муюлишида)
24 ДАН—30 НОЯБРГАЧА
ТОШКЕНТ «ТАШИГРУШКА» ФАБРИКАСИ ВА ПЛАСТМАССА БУЮМЛАРИ ЗАВОДИДА **ишлаб чиқарилган болалар ўйинчоқларининг**

САВДО КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ
«БОЛАЛАР ДУНЁСИ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ
Институтга кирувчиларни кириш имтихонларига тайёрлайдиган пуллик 6-ойлик
КУРСЛАРГА
ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Тошкент прописксисида туғувчилар қабул қилинадилар.
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Кирувчилар; ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат, туғар жойидан ва ишжойидан справкалар, характеристика ва 2 дона фотосурат.
Ўқиш учун—25 сўм тўланади.
Аризалар—30 ноябргача қабул қилинади.
Машғулотлар—1 декабрдан бошланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 108-уй, 228-хона, телефон № 35-06-51.

Чилонзор райпишчеторгининг 15-«ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИ
озиқ-овқат молларини сотувчилари қилиб тайёрлаш учун
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ўқиш муддати—6 ой.
Ўқувчилик иш ҳақи — 45 сўмдан 54 сўмгача.
8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси, Махсус проезди, 4-уй (14, 27, 51-автобуслар, 2, 6, 7, 12-троллейбусларнинг «Қоратош» бекати, райпишчеторг).
Чилонзор массиви, В-23 квартали, Ғ. Ғулом кўчаси, 41-уй (11, 59-автобуслар, 9, 15 трамвайларнинг «Ширин» бекати, магазин).



23 НОЯБРЬ
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Ҳарбий хотиралар». **18.20** «АХБОРОТ» информацион программаси. **18.35** Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 80 йиллиги олдидан. Телевизион театр. «МАЙСАРАНИНГ ИШИ».

Ўзбек тилида: 20.00 «АХБОРОТ» информацион программаси. **20.15** Концерт. **21.05** Оламда нима гап? **21.35** «УЧОВЛОН». Бадиий фильм. **23.05** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 Сиртдан ўқиётган 2-курс студентлари учун. Немис тилидан 4-машғулот. **18.30** Сиртдан ўқиётган 2-курс студентлари учун. Инглиз тилидан 4-машғулот. **19.00** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.50 Украина ССР Давлат рақс ансамблининг концерти. **20.45** «Визнинг интервью». **21.00** Янгиликлар. **21.05** «Пионерия» телевизион агентлиги. **21.30** Телефильм. **22.00** Бокс бўйича ССР чемпионати. Финал. Қаунасдан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида ва эшиттириш сўнгида «ВАҚТ» информацион программаси. **01.15** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

24 НОЯБРЬ
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КУРСАТАДИ

13.00 Кўрсатувлар программаси. **13.05** Янгиликлар. **13.15** «ЭТАЛОН» телевизион журнали. **13.45** Ўқувчилар учун. «Нимани биласан, нимани қиласан?» **14.15** Телевизион бадиий фильм. **15.10** Янгиликлар. **15.15** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **18.00** Болалар учун мультфильм. **18.10** «АХБОРОТ» информацион программаси. **18.25** «Сўнгги каникул». Бадиий фильм. **19.55** Реклама.

Ўзбек тилида: 20.00 «АХБОРОТ» информацион программаси. **20.20** «Ярим аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1926 йил ҳақидаги серияси. **21.00** Пахтакорлар учун эшиттириш. (Душанба шаҳридан олиб кўрсатилади). **22.00** «ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ». Ижодий портрет (шоир туғилган кунининг 80 йиллиги муносабати билан). **23.00** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 1-синф ўқитувчилари учун математикадан консультация (Ўзбек тилида). **18.30** Оталар учун консультация. «Болаларни мактабга тайёрлаш» (Ўзбек ва рус тилларида). **19.00** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тилидан 8-машғулот. **19.25** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тилидан 9-машғулот.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** «Қўшиқ—ҳамроҳимиз». **21.00** Янгиликлар. **21.05** Ўқувчилар учун. «Олам болалар тасаввурида». **21.30** Миллионлар ленинча университети. **22.00** «ВАҚТ» информацион программаси. **23.30** Концерт. **23.50** М. Горький. «Зиковлар оиласи». А. С. Пушкин номли Москва драма театрининг спектакли. **02.05** Москва кўрсатувларининг охири.

Тошкент оқшоми 4 бет. 23 НОЯБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР 3164. Р—04573.